

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**НИЗОМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА
УНИВЕРСИТЕТИ**

«ТАБИЁТ ФАНЛАРИ» ФАКУЛЬТЕТИ

«ГЕОГРАФИЯ ВА УНИ ЎҚИТИШ МЕТОДИКАСИ» КАФЕДРАСИ

“Ҳимояга рухсат этилсин”

Факультет декани _____ П.Мирхамидова

« ____ » _____ 2013 йил

5140500-«География ва иқтисодий билим асослари» таълим йўналиши

403-гуруҳ талабаси

НОРМУРАТОВ ИСЛОМ ХОЛМАМАТОВИЧнинг

«Академик лицей ва КХКларида амалий география курсини ўқитишда “Кейс-Стади” технологиясидан фойдаланиш» мавзусидаги

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

Илмий раҳбар: «География ва уни ўқитиш методикаси»

кафедраси ўқитувчиси _____ Н.Ерматова

Илмий маслаҳатчи: «География ва уни ўқитиш методикаси»

кафедраси доц.в/б, г.ф.н _____ И.Абдуллаев

«Ҳимояга тавсия этилсин»

«География ва уни ўқитиш

методикаси» кафедраси мудири

_____ г.ф.н. Н.Р.Алимқулов

« ____ » _____ 2013 йил

ТОШКЕНТ – 2013 йил

Кириш	3
I боб. "Кейс-стади" технологиясидан таълим жараёнида фойдаланишнинг илмий - назарий асослари	6
1.1. Кейс-стади "case-study" педагогик технология сифатида.....	6
1.2. Кейс - стади тарихидан маълумотлар.....	8
1.3. Кейс-стади технологиясидан таълим жараёнида фойдаланиш.....	10
1.4. Кейсларнинг турлари ва мазмуни.....	13
II боб. Академик лицей ва касб - ҳунар коллежларида "Амалий география" курсини ўқитишда кейс - стади технологиясидан фойдаланиш	15
2.1. "Табиий географик жараёнлар" мавзусидаги машғулотнинг технологик ишланмаси.....	15
2.2. "Жамият ва табиатнинг ўзаро таъсири" мавзусидаги машғулотнинг технологик ишланмаси.....	28
2.3. "Географик –экологик экспертиза асослари" мавзусидаги машғулотнинг технологик ишланмаси.....	39
III боб. Педагогик амалиёт давомида олиб борилган баъзи педагогик тажриба синов ишлари ва кузатишларнинг натижалари	47
Хулоса	50
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	52

Кириш

Мавзунинг долзарблиги. Замонавий география фани давр талабларига биноан ўз олдига қўйилган мақсад ва вазифалари асосида ривожланиб бормоқда. Мактаб географиясида умумий, табиий ва иқтисодий - ижтимоий масалаларга кенг эътибор берилган бўлиб, академик лицей ва касб - ҳунар коллежларида география фанининг ўрганиш доираси анча ўзгартирилган ва унда географиянинг амалий масалаларига катта аҳамият берилган. География масалалари ва муаммоларнинг ўрганилиши ва ечимига қаратилган "Амалий география" фанида замонавий фан - техника ютуқлари, экологик муаммоларнинг географик жиҳатлари, уларни ўқувчиларга етказиб беришда замонавий педагогик технологиялар кенг жорий этилиши давр

талаби. Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга оширишда сифат ва самарадорлик кўрсаткичларига эришиш учун таълим тарбия жараёнини ташкил этишни такомиллаштириш, янги шакл ва усулларни замонавий педагогик технологияларни амалиётга жорий этиш орқали амалга ошириш ҳозирги куннинг муҳим масалаларидан биридир.

Битирув малакавий ишда асосий эътибор ўрта махсус таълими муассасаларида "Амалий география" фанини ўқитиш жараёнини такомиллаштириш, дастурда кўрсатилган мавзуларга тавсиялар ва янги педагогик технологияларни қўллаган ҳолда машғулотларни олиб боришда ўқувчиларга билим, кўникма ва малакаларини шакллантириш касбий соҳаларга йўналтириш орқали ўқувчиларда баркомилликни таъминлаш масалаларига эътибор қаратилган. Таълим жараёнида "Кейс-стади", "Блиц-сўров", "Лойихалаш", "Картографик", "Ақлий хужум", "Интерфаол" усуллардан фойдаланиш ва таълим технологиясидан фойдаланиш масалаларига кенг эътибор берилади.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда битирув малакавий иш мавзусини "Академик лицей ва касб ҳунар коллежларида амалий географияни ўқитишда "кейс-стади" технологиясидан фойдаланиш" каби танланди.

Битирув малакавий ишининг мақсади:

Мавжуд илмий, илмий методик адабиётларни, журнал мақолаларни, интернет материалларини ўрганиш, таҳлил қилиш ва умумлаштириш асосида АЛ ва КХК ларда амалий география курсини ўқитишда "кейс - стади" технологиясидан фойдаланиш методикасини ишлаб чиқишдан иборат.

Битирув малакавий ишининг объекти:

Академик лицей ва касб-ҳунар коллежаларида амалий географияни ўқитиш жараёни.

Битирув малакавий ишининг предмети:

Академик ва касб - ҳунар коллежларида амалий география курсини ўқитишда "кейс - стади" технологиясидан фойдаланиш методикаси.

Битирув малакавий иши вазифалари:

1) академик лицей ва касб - ҳунар коллежаларида "Амалий география" курсига оид ўқув дастурлари, ўқув қўлланмалари ва бошқа меъёрий хужжатларни ўқиб ўрганиш.

2) география ўқитиш жараёнида замонавий педагогик ва ахборот технологияларини, хусусан, кейс-стади технологиясидан фойдаланишга доир адабиётларни ўқиб ўрганиш, таҳлил қилиш, умумлаштириш.

3) "Кейс - стади" технологиясига оид илмий назарий адабиётларни ўрганиш ва таҳлил қилиш.

4) академик лицей ва касб-ҳунар коллежаларида Амалий география курсини асосий параграфларини кейс -стади технологияси асосида ўқитишни лойихалаштириш.

5) педагогик амалиёт давомидаги кузатишлар натижаларини ва «Битирув малакавий иш»ини ёзишда олинган натижаларни хулоса кўринишида шакллантириш.

Битирув малакавий ишини ёзишда қуйидаги усуллардан фойдаланилди:

- Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида"ги қонуни ва "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури", Вазирлар маҳкамасининг таълимни ислоҳ қилишга доир қарорлари;

- Битирув малакавий иши мавзусига оид педагогик - психологик, илмий методик манбаалар география ўқитиш методикасининг назарий ва амалий асослари.

Битирув малакавий ишининг ҳажми:

Битирув малакавий иши кириш, 3 та боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Унинг матни 58 саҳифадан иборат.

I боб. "Кейс-стади" технологиясидан таълим жараёнида фойдаланишнинг илмий - назарий асослари

1.1. Кейс-стади "case-study" педагогик технология сифатида.

Республикамиз мустақилликни қўлга киритган кундан бошлаб таълимни миллий асосда тўла қайта қуриш ва модеренизациялашга жиддий эътибор қаратилди. Айниқса, 1997 йили "Таълим тўғрисида"ги қонун ва

"Кадрлар тайёрлаш миллий дастури"нинг қабул қилиниши ва унда назарда тутилган барча босқичларнинг амалга оширилиши бутун дунё "Ўзбек модели" деб эътироф этаётган таълим жараёнини қайта қуриш натижаларига олиб келди. Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида ўқитувчи ва ўқувчи муносабатларини "Субъект-объект" муносабатидан "Субъект-субъект" муносабатига ўтказиш муаммоси қўйилган эди. Бундай вазифаларни адо этиш таълим жараёнига инновацион педагогик технологияларининг қўлланилишини талаб этади. Инновацион педагогик тахнологиялар эса таълим натижаларига кафолатли эришни таъминлайди. Бугунги кунда инновацион педагогик технологиялар ичида кейс - стади технологияси алоҳида ўрин тутади.

Кейс (инглизча - ҳодиса, вазият) - бу ходисани тафтиш қилиш ёки ишбилармонлик ўйинидир. Кейсни муайян "хусусий ҳолни" аниқ вазиятни тахлил қилиш технологияси деб ҳам аташ мумкин. Бунинг моҳияти шундан иборатки, унинг асосида муайян вазиятнинг ёки ҳолатнинг ифодаси ётади (case ингилзча - ҳодиса). Тахлил учун тақдим этилган ҳолат бирор реал ҳаётий вазиятни акс эттириши лозим. Иккинчидан, тақдим этилаётган вазиятнинг таркибида бирор жиддий мауммо ёки бевосита қийинчиликлар, қарама - қаршиликлар яширинган бўлиши керак. Учундан, албатта масалани ҳал қилиш учун ўқувчилар (изланвчилар) олдиндан назарий билимлар мажмуасини эгаллаган бўлиб, муаммонинг ечимини амалий вазиятга кўчира олиши ва қўллаш олиши зарур. Кейс билан ишлаш жараёнида кўпинча иштирокчилар томонидан янги ахборотларни топиш зарурияти мавжуд бўлади. Охириги ҳолатда ўқувчилар ўзларининг шахсий хулосаларини мауммоли вазиятнинг ечимларини топишади. Кўпинча бундай ечимлар турлича ва кўп қийматли бўлиши мумкин [8].

Ушбу технология табиатан интерактивдир. Чунки, бошдан бошлаб ўқувчиларни горизантал бўйича субъект-субъект муносабатларига жалб этади. Ўқувчиларда фаоллик, ташаббускорлик, мустақиллик каби сифатларни намоён этишга имкон яратади, ўз нуқтаи назарини билдириш ва бошқаларни фикрларини тинглаш каби сифатларни шакллантиради. Таъкидлаш лозимки, бундай ёндошув кўпинча ўқув дастури доирасидан ташқарига чиқишни тақозо этади. Бу эса ўқувчиларда мазкур фанни ўрганишга қизиқишни шакллантиради, касбга йўналтиришни таъминлайди. Қайд этиш зарурки, бу технологияни қўллаш технология учун эмас, балки ўқувчиларни таълим жараёнига компетентли жалб этишдир.

Ўқитувчилар учун, хусусан, география ўқитувчилари учун кейс технология етарлича муаммолидир. Биринчидан, у ўқитувчидан нафақат

кейснинг ташқи жихатларини, дарсда қўллашни билишни талаб этади, балки кейс - типиди ўрганиш ва фаолият юритишни тақозо қилади. Бу ерда энг муҳим ўринни албатта кейсни қўллай олиш кўникмаларини шакллантириш эгаллайди. Олдин ўқитувчи томонидан сўнгра ўқувчилар томонидан муаммоли - аналитик кейсларни ишлаб чиқиш кўникмаси ривожланиши керак.

1.2. Кейс - стади тарихидан маълумотлар

Кейс стади технологияси таълим жараёнида 1920 йиллар Гарвард бизнес-мактабида Менежментга ўқитишда ишлаб чиқилган. Бунгача "study" атамаси ҳуқуқшуносликда кенг қўлланилган. Гарвардда эса ўқитувчилар ҳар бир маърузадан кейин талабаларга бизнес ёки уни бошқариш соҳасидан муаммога эга бўлган муайян ҳаётий вазиятларни муҳокама қилиш ва ечимини топишни таклиф қилишган. Жонли муҳокама асосида талабалар муаммоларни ҳал қилишган. Бу ерда топилган муаммонинг ечимларини жамоа бўлиб, муҳокама қилиш муҳим ўрин эгаллаган.

Кейс - стади технологияси дунё бўйича таълим амалиётига 1970-1980 йиллардан қўлланила бошлаган. Бу технологиянинг ахамиятини кўрсатиш учун қуйидаги маълумотларни келтириш мумкин: Фарб олий таълим муассасаларида типик вазиятларни таҳлил қилишга ўқув вақтининг 35 - 40% и боғишланади. Чикаго университетининг бизнес мактабида кейсларни хиссаси 25 % вақтни эгаллайди. Колумбия университетининг бизнес мактабида 30 % ни, машҳур Уортон да 40 % вақтни ташкил қилади. Бу метод унга ажратилган вақтга кўра етакчи ўринни эгаллайди. Гарвард университетида оддий студент ўқиш давомида 700 тагача кейсни таҳлил қилади. Собиқ иттифоқ даврида вазиятларни таҳлил қилиш методидан асосан иқтисод факультетларида илғор профессор - ўқитувчилар томонидан фойдаланилган. Бу метод ўйин ва мунозарали методлар билан қўшиб олиб борилган ва технология даражасигача кўтарилмаган. [11]

Бизнинг республикамизда кейс технологиясига 1990 йиллардан кейингина қизиқиш кучайди. Бу иқтисодиётнинг ва ишлаб чиқаришнинг янги тизимга ўтганлиги ва мутахассисларга талабнинг ўзгарганлиги билан боғлиқдир. Ҳаётнинг барча соҳаларида ғояларни ва технологияларни амалиётга қўллай оладиган "ўз жамоасида" биргаликда ишлай оладиган инновацияларга мойил, вазиятни танқидий ва тезкор таҳлил қила оладиган мутахассисларга эҳтиёж кучайди. Шу сабабли таълим жараёнида ва ишлаб чиқаришда муаммоли вазиятларни ҳал қилишга қобилиятли кадрларни тайёрлаш учун кейс технологиясини қўллаш кучайди. Қайд этилганидек,

кейс технология нафақат ўқув жараёни билан чекланади, балки илмий тадқиқот методи ҳамдир. Профессор Г.Н.Прозументова томонидан яратилган "Изменения в образовательных учреждениях: опыт исследования методом кейс-стади" номли китоби бу йўналишдаги муҳим дастури амалдир [8].

1.3. Кейс-стади технологиясидан таълим жараёнида фойдаланиш

Мактаб таълими шароитида кейс-стадининг - қуйидаги вариантларидан фойдаланиш мумкин. Очiq мунозарали дарсларни ташкил қилишда ўқувчиларнинг амалий вазиятни муҳокама қила олиш кўникма ва малакалари ва ўқитувчининг мунозарани ташкил қила олиш кўникмаси муҳим омилдир. Ўқувчиларга мақсадга йўналтирилган саволлар бериш орқали ўқувчиларни матндаги кейс муаммосига жалб этади, қаратади ва ўқувчиларнинг жавобларини рағбатлантиради ва йўналтиради. Мунозара давомида ўқитувчи уни бошқариб боради ва мунозарада ҳар бир ўқувчининг иштирокини таъминлашга эришиши зарур; ўқитувчи ўқувчилар томонидан топилган ечимларни таҳлил қилиш билан мунозарани яқунлаши мумкин.

Ўқувчиларнинг билимларини фронтал аниқлаш давомида ўқувчилар кейс матннинг муаммосини топишади. Вазиятни баҳолашади, ҳодиса ёки жараённинг таҳлилини беришади, ўз ечимларини таклиф қилади. Бу ерда

кейс ўқувчиларда коммуникатив малакаларни ривожлантиради. Уларни ўз фикрини қисқа ва аниқ ифодалашга ўргатади.

Кейинги пайтларда кейс технологияларидан ўқувчиларни якуний баҳолашда кенг фойдаланилмоқда. Бунда ўқувчилар якуний назорат олтидан кейс топшириғини олишади ва уни тахлил қилиб ўқитувчига ҳисоботларни топширишади.

Кейс технологияда асосий таянч тушунчалар "вазият" ва "тахлил" тушунчалари ҳамда улардан ҳосил қилинган "вазиятнинг тахлили" тушунчаларидир. "Вазият" тушунчаси ҳолат, ходиса, ҳаракат каби тушунилиши мумкин. Ўзида маълум қарама - қаршилиқларни ва баҳолашни ёки вазиятдан чиқиш усулларини ўзида сақловчи ўзаро боғлиқ фактларнинг тўпламини билдиради. Вазият эса ўзгариш динамикасини кўрсатадиган бўлиши лозим (шундай эди - ҳозир шундай ҳолатда- келажакда бундай бўлади). Агар кейс у ёки бу ўқув предмети билан боғлиқ бўлса у ҳолда, тўла ахборот ёки муаммоли вазият мавжуд билимларини ҳаракатга келтириши ва уни мактабдан кейинги касбий фаолиятга йўналтириши лозим [18].

Кейс устида ишлаш матндаги муаммоли вазиятни тахлил қилиш ва ундаги алоҳида мазмунли элементларни ажратиб олишдан бошланади, муаммонинг моҳияти ундаги қарама - қаршилиқлар, уларни юзага чиқарган сабаблар аниқланади.

Тизимли корреляцияли, факторли, статистик ва бошқа тахлил қилиш кўникмаларини шакллантириш ўқувчиларга муаммоли вазиятдан чиқишнинг хулосалари ва ечимларини топишга имкон яратади.

Ўқув машғулотларини кейс технологияси асосида ўтқозишда қўшимча вариантларни қўллаш мумкин. Масалан, муаммоли вазият ва унинг ўзаро мос келмайдиган ечимлари бўйича мунозара, "ақлий хужум", илмий баҳс ва дебатлар ташкил қилиш мумкин.

Дарсга тайёргарлик кўришда ўқитувчи кейс технологиядан фойдаланишнинг мақсадга мувофиқлигини аниқлаб олиш зарур. Бу ерда Б.С.Блум томонидан таклиф қилинган машғулот мақсадларини аниқлаш таксаномиялардан фойдаланиш мумкин, уларни эслатиб ўтамиз: билиш - тушуниш - қўллаш - анализ - синтез - баҳолаш.

Билиш ва тушуниш даражасидаги асосий иш маъруза, суҳбат, ҳикоя, ахборот билан интерфаол ишларни амалга ошириш давомида бажарилади. Бу

ерда ҳам ахборотли кейс матндан фойдаланилади. Бунда фойдаланилган атама ва тушунчалар, формулалар ва қоидаларни тахлил қилиш мумкин.

Қўллаш босқичида эса реал ҳаётӣ вазиятларга қўллашни кўриб чиқиш мумкин. Бунда предметли - касбий ва шунга ўхшаш вазиятларга олдин олинган билимларни қўллаш асосида муайян муаммоларни ҳал қилишни қараб чиқиш мумкин.

Анализ ва синтез басқичи таълим жараёнига муаммоли - тадқиқий характердаги кейсларни қўллашга имкон яратади. Айниқса географияни ўқитиш жараёнида экологик, табиий иқлимий, ижтимоий - иқтисодий технологик ва бошқа муаммоларни қўйиш орқали кейс -стадидан самарали фойдаланиш мумкин.

Ўқувчилар томонидан юқори даражадаги мақсадлар қўйиш ва унга эришишнинг таъминланиши кейснинг мураккабликлари, матндаги вазиятни тушуниш, англаб олиш, ундаги сабаб - оқибат алоқаларини аниқлай олиш муаммо ечимининг вариантларини топа олиш ва зарур умумлашган ҳулосалар чиқара олиши билан боғлиқдир. Бу ерда ўқувчи ўз ишига ўртоқларининг топган жавоблари ва ечимларига ҳамда оппонентларнинг фикрларига баҳо беради. Ўқув кейслари жуда муҳим тарбиявий функцияни ҳам бажаради. Чунки кейсни ечиш давомида маънавий -ахлоқий, ахлоқий - хулқий, ижтимоий-сиёсий ва бошқа вазиятларни муҳокама этади. У ердаги муаммоларга ечим топишда фаол қатнашади.

Шундай қилиб, кейс технология ўқитувчи учун ўзича мақсад эмас, балки таълим жараёнини самарадорлигини таъминловчи муҳим омилдир.

1.4. Кейсларнинг турлари ва мазмуни

1. *Амалий кейслар* - бундай кейслар имкон борича киритилаётган вазият ёки ҳолатларни реалроқ акс эттириш керак. Буларга тарихий манбаларни, реал ҳужжатларни, маълумотларнинг статистикасидаги ўзгаришларни келтириш мумкин. Булар реал ҳолатларни моделлаштириш, муҳитдаги экологик ҳолат, ёки техник - технологик муаммоларни моделлаштириш орқали ечишни қамраб олади. Бундай кейсларнинг мақсади

ўқувчиларда ўқув, предметли билим ва кўникмаларни келгусида реал ҳаётдаги касбий фаолиятда қўллашга ўргатишдан иборат.

2. *Ўргатувчи кейслар* - бундай кейсларнинг вазифаси ўқитишдан иборат. Бунда ўқувчилар томонидан типик ўқув вазиятларида эгаллаган билим ва кўникмаларни автоматизм даражасига етказиш, яъни реал вазиятларда қўллай олишни таъминлашдан иборат. Бундай жараёнда малакалар синтезлашади.

3. *Илмий тадқиқот кейсларининг* мақсади ўқувчиларни илмий тадқиқот фаолиятига жалб қилишдан иборат. Масалан, олиши ва эгалланиши мумкин бўлган барча ахборотларни эгаллаш орқали локал ёки регионал типдаги лойихаларни ишлаб чиқиш ва хал қилишдан иборат муаммолар бўлиши мумкин. Бундай кейсларни таркибига олдин тадқиқотчилар томонидан ўрганилган, хал қилинган муаммоларни ҳам киритиш мумкин, аммо уни хал қилишда янгича ёндошувлардан фойдаланиш асосида амалга оширилади. Илмий тадқиқот кейсларини йирик олимларнинг илмий ишлари, газета ва журналлардаги материаллар, "Интернет" материаллари асосида ташкил қилиш имкониятлари кенг.

Илмий методик адабиётларда қайд этилишича мавжуд материалларни кейс топшириғига ажратиш ва қайта ишлаш зарур. Биринчидан кейс матни оптимал ҳажмда бўлиши керак. Масалан, 5 - 7 синфлар учун - 0,5-1 бет, юқори синфлар учун 3 - 5 бетдан иборат бўлиб, иккитадан бештагача мазмунли, муаммоли фрагментлар бўлиши лозим. Таклиф қилинаётган кейс ўқитувчи томонидан зарур ҳолларда изоҳланиши зарур. Албатта кейс технологияларидан фойдаланилганда зарур адабиётлар ва интернет материалларининг манзиллари кўрсатилиши зарур [11].

Кейс технологияни қўллашга оид методик тавсияномаларда энг асосий эътибор кейс матнига қаратилиши тавсия этилган. Шунингдек, кейс топшириғини бажаришда ўқувчилар томонидан қўшимча ахборотларнинг тўпланиши ва бундай компьютерли презентациялар ишланиши фойдали эканлиги қайд этилган.

Кейс стади билан ишлашни ташкил қилиш усуллари

Дарс жараёнида кейс технологияни қўллаш бўйича ўқитувчи ва ўқувчи фаолиятини ташкил қилиш турли туман бўлиши мумкин. Биз қуйида кўпроқ тарқалган усулларни таҳлил қилишга ҳаракат қиламиз.

Кейснинг муаммоли вазият ёзилган матн ўқувчиларга маъруза олдидан, ўқув материални ўрганиш олдидан, кўшни мавзуларни ўрганишдан олдин тарқатилади. Бундай матн муаммоли вазиятни шакллантириш, мавжуд билимларни фаоллаштириш, уларни тизимлаш, қизиқиш уйғотишга хизмат қилади. Бу метод "Биламан - Билишни хоҳлайман - янги нарсани билиб олдим" методи билан бевосита боғлиқ.

Кейсдан мавзуни мустақил ўрганишда ҳам фойдаланиш мумкин. Бу усулни қўллашда материал ҳажми етарлича бўлиши ва ўқувчиларнинг ёш психологик имкониятларини ҳисобга олиши керак. Саволлар кейс мазмунига ва ўқув қўлланманинг матнига моғлиқ бўлиши керак. Шунингдек, ўқитувчи томонидан "Интернет ресурслар" тавсия этилиши зарур.

Кейс (вазият матни) - ўқувчиларга ўрганилаётган муаммони таққослаш ва таҳлил қилиш учун тарқатилади.

Ўқувчилар амалий фаолиятини ташкил қилиш алоҳида дарсда кичик гуруҳларда, жуфтликда ёки индивидуал ҳолда ташкил қилинган бўлиши мумкин.

II боб. Академик лицей ва касб - ҳунар коллежларида "Амалий география" курсини ўқитишда кейс - стади технологиясидан фойдаланиш.

**2.1. "Табиий географик жараёнлар" мавзусидаги машғулотнинг
технологик ишланмаси.**

Мавзу: ТАБИЙ ГЕОГРАФИК ЖАРАЁНЛАР

Машғулот технологияси модели

<i>Вақти – 80 мин</i>	Ўқувчилар сони: 30-нафар
<i>Ўқув машғулотининг шакли</i>	Амалий машғулот
<i>Амалий машғулотининг режаси</i>	<ol style="list-style-type: none"> 1. Табиий географик жараёнлар ҳақида тушунча. 2. Табиий омиллар таъсирида содир бўладиган жараёнларнинг қишлоқ хўжалигига таъсири. 3. Сунъий омиллар таъсирида содир бўладиган жараёнлар
<p>Ўқув машғулотининг мақсади:</p> <p>а) таълимий –табиий географик жараёнлар ҳақида тушунча бериш, табиий ва сунъий омиллар таъсирида содир бўладиган жараёнларни билиш;</p> <p>в) ривожлантирувчи - таққослаш, кузатиш, умумлаштириш, хулоса чиқариш усуллари қўллаш кўникмасини шакллантириш;</p> <p>с) тарбиявий - ўқувчиларнинг касбий билимларидан фойдаланган ҳолда, ўрганилаётган мавзуга қизиқиш ўйғотиш.</p>	
<i>Педагогик вазифалар:</i>	<i>Ўқув фаолиятининг натижалари:</i>
<ol style="list-style-type: none"> 1. Табиий географик жараёнлар ҳақида маълумот бериш. 2. Табиий омиллар таъсирида содир бўладиган жараёнларни ажратиб бериш. 3. Сунъий омиллар таъсирида содир бўладиган жараёнларни ажратиб бериш. 4. Табиий географик жараёнлар таъсирида содир бўладиган салбий оқибатларни 	<p>Ўқувчи:</p> <ul style="list-style-type: none"> – Табиий географик жараёнларни билиб олади. –Табиий омиллар таъсирида содир бўладиган жараёнларни ажрата олади ва таърифлайди. - Сунъий омиллар таъсирида содир бўладиган жараёнларни ажрата олади ва таърифлайди.

таҳлил қилиш. 5. Табиий географик жараёнларни илмий жиҳатдан ёритиб бериш	–Табиий географик жараёнларнинг салбий оқибатларини иқтисодий ва маънавий таҳлил қилади. - Табиий географик жараёнларни илмий асослай олади.
<i>Ўқитиш услуби ва техникаси</i>	Амалий машғулот, муаммоли, матн билан ишлаш, блимс-сўров, инсерт, атамалар занжири
<i>Ўқитиш воситалари</i>	Дарслик, проектор, доска, бўр, визуал материаллар
<i>Ўқитиш шакли</i>	Фронтал, гуруҳли
<i>Ўқитиш шароитлари</i>	Проектор, компьютер билан жиҳозланган аудитория.

Амалий машғулотининг технологик харитаси

Босқичлар, вақти	Фаолият мазмуни	
	Ўқитувчи	Ўқувчи
1-босқич. Кириш (15 мин)	1.1. Ўқув машғулотининг мавзу ва режасини маълум қилади. Муаммони кўрсатади, эришадиган натижалар билан таништиради. Мазкур машғулот кейс-стади, муаммоли таълим технологияларни қўллаш тарзда ўтишини эълон қилади.	1.1. Эшитадилар ва ёзиб оладилар. Муаммоли таълим технологиясининг асосий хусусиятлари билан танишиб оладилар.
2-босқич. Асосий (55 мин)	2.1. Ўқитувчи визуал материаллардан фойдаланган ҳолда баён этишда тарқатма материаллардан фойдаланади (<i>1 илова</i>)	2.1. Эшитади. Навбат билан муаммоли саволларга жавоб беради.

	<p>2.2. Ўқувчилар эътиборини жалб этиш ва билим даражаларини аниқлаш учун тезкор савол-жавоб ўтказди. (2-5-7 илова)</p> <p>2.3. Табиий географик жараёнларни харита ёрдамида намоён қилади.</p> <p>2.4. Ўқувчиларга мавзунинг асосий тушунчаларига эътибор қилишни, берилган топширикни бажаришни ва барча маълумотни ёзиб олишларини таъкидлайди.(3-4 илова)</p>	<p>2.2. Гуруҳларга бўлиниб тарқатма материал билан мустақил ишлайди, керакли жойларни ёзиб олади.</p> <p>2.3. эслаб қолади.</p> <p>Таърифини харита ёрдамида ёзиб олади ва харитадан кўрсатади.</p> <p>2.4. Ўқувчиларга мавзунинг асосий тушунчаларига эътибор қилади, барча маълумотларни ёзиб олади.</p>
<p>3-босқич</p> <p>Яқуний</p> <p>(10 мин)</p>	<p>3.1. Мавзуга яқун ясайди ва ўқувчилар эътиборини асосий масалаларга қаратади.</p> <p>3.2 Фаол иштирок этган ўқувчиларни рағбатлантиради.</p> <p>3.3. Мустақил иш учун вазифа: Ўзбекистонда содир бўлган табиий географик жараёнлар ҳақида кластер тузишни вазифа қилиб беради ва баҳолайди.</p>	<p>3.1. Эшитади, аниқ-лаштиради.</p> <p>3.2. Топширикни ёзиб олади.</p>

ДАРСНИНГ ТАФСИЛОТЛАРИ

Ўқув машғулотининг мақсади:

а) таълимий –табиий географик жараёнлар ҳақида тушунча бериш, табиий ва сунъий омиллар таъсирида содир бўладиган жараёнларни билиш;

в) ривожлантирувчи - таққослаш, кузатиш, умумлаштириш, хулоса чиқариш усулларини қўллаш кўникмасини шакллантириш;

с) тарбиявий - ўқувчиларнинг касбий билимларидан фойдаланган ҳолда, ўрганилаётган мавзуга қизиқиш ўйғотиш.

Дарснинг тури: Амалий машғулот

Кўргазмали қуроллар ва техник воситалар:

- дарслик;
- презентация;
- хариталар;
- слайдлар.

Таянч тушунчалар:

- | | |
|--------------------------------|--------------------|
| 1. Табiiй географик жараёнлар. | 6. Нураш |
| 2. Вулқон | 7. Сурилма, жарлар |
| 3. Зилзила | 8. Сел |
| 4. Эндоген кучлар | 9. Шамол |
| 5. Экзоген кучлар. | 10. Карст. |

Муаммони шакллантириш.

Мавзуларга бўлиниши:

1. Табiiй географик жараёнлар ва уларнинг табиатдаги ўрни.
2. Табiiй географик жараёнлар ва уларнинг хўжаликдаги аҳамияти
3. Табiiй географик жараёнларни ўрганишнинг илмий аҳамияти
4. Табiiй географик жараёнларни таснифлаш ва уларнинг географияси

Дарс қатнашувчилари: якка, гуруҳли, жамоавий

Муаммо предмети, вазифалари ва босқичлари

Маммони яқунлаш, натижалар, хулоса.

Таклиф этилган визуал материаллар

1-илова

Табиий географик жараёнлар ҳақида тушунча

- **Таъриф:** Табиий ва сунъий омиллар таъсирида содир бўладиган жараёнларга *табиий географик жараёнлар* дейилади. Табиий географик жараёнлар тоғ жинсларининг емирилишида, тоғ жинслари физик ҳолатининг ўзгаришида, ер юзаси релефининг шаклланиши ва ўзгаришида вулкан, зилзилалар сифатида, атмосфера ҳодисалари ривожланишида намаён бўлади.

Табиий географик жараёнлар табиий ва сунъий омиллар таъсирида вужудга келади ва ривожланади. Табиий омиллар ўз навбатида икки катта гуруҳга бўлинади:

- Ернинг ички кучлари билан боғлиқ бўлган жараёнлар
- Ташқи кучлар ёки ташқи омиллар билан боғлиқ бўлган жараёнлар

ва


БЛИТС САВОЛ

1. Ернинг ички (эндоген) кучлари таъсирида содир бўладиган жараёнлар табиий муҳитга қандай таъсир қилади?
2. Табиий географик жараён деб нимага айтилади?
3. Ташқи кучлар (экзоген) таъсирида содир бўладиган жараёнларга нималар киради?
4. Табиий географик жараёнлар ишлаб чиқаришга қандай таъсир кўрсатади?
5. Табиий географик жараёнларнинг олдини олишда қандай технологиялар қўлланилмоқда?
6. Табиий жараёнлар таъсирини иқтисодий бартараф қилиш?
7. Шўрланиш нима?
8. Ўзбекистоннинг арид ҳудудларида шўрланишга таъсир этувчи омиллар нималар киради?

5-илова

Табиий омиллар таъсирида содир бўладиган жараёнлар

4-илова



Вулканлар. Ер пўстида бирор жой ёрилса, ўша ҳудуд остида босим пасайиб, чуқурдаги моддалар суюқлашиб, қайноқ жинсга айланади. Уни **магма** деб аталади. У ер ёриқларидан юқорига кўтарилади ва ер юзига оқиб чиққан қайноқ суюқ модда **лава** дейилади. Лава аста совуб, тепа ва тоғларни ҳосил қилади, бундай тепа ва тоғлар **вулканлар** деб аталади.



1- расм. Ҳаракатдаги вулқон

Зилзила- Ер пўсти ва юқори мантияда қатламларнинг тўсатдан силжиши, ёрилиши, синиши, натижасида ҳосил бўладиган ер ости турткилари ва ер юзасининг тебраниши, силкиниши, титрашидир. Ер қимирлаш бошланадиган бу жой ер қимирлаш ўчоғи **гипотцентр** дейилади. Ер қимирлаш ўчоғи устидаги жой ер қимирлаш маркази **эпитцентр** деб аталади.



2 – расм Зил-зила натижасида вайрон бўлган уй жойлар

Нураш - ҳароратнинг ўзгариши, кимёвий жараёнлар, атмосфера, сув ва организмлар таъсирида тоғ жинсларининг емирилишига айтилади. Нураш 3 турга ажратилади;

- физик нураш
- кимёвий нураш
- механик нураш

Эрозия-тоғ жинсларининг оқар сувлар таъсирида ювилишига айтилади. Эрозия юзлама ва чизиқли турларга бўлинади. Юзлама эрозия жараёни тоғ ёнбағирларида кенг тарқалган, унинг оқибатида тоғ ёнбағирларидаги жинслар ювилиб, пастга тушади. Чизиқли эрозия дарё эрозияси деб ҳам аталади бунинг натижасида дарё

ДИҚҚАТ ТОПШИРИҚ:

1. 3-4-иловада таърифи берилган табиий жараёнлар турларига мамлакатимиздан мисоллар келтиринг ва уларни бартараф қилиш ёълларини аниқланг.
2. Махсус адабиётлар, лугатлар ёрдамида қуйидаги жадвални тўлдиринг улар орасида қайси бирининг таъсири кучли:

№	Географик термин	Географик терминга таъриф
1.	Зилзила	
2.	Денудация	
3.	Карст	
4.	Сурилма	
5.	Шамол иши	

Сунъий омиллар таъсирида содир бўладиган жараёнлар

- Сурилмалар
- Ер юзасининг чўкиши ва ўпирилиши
- Дарё ва кўллар меъёрининг ўзгариши
- Шўрланиш
- Сунъий эрозия
- Юқоридаги содир бўладиган жараёнларнинг қайсилари мамлакатимизда

7-илова

Топширик: Қуйдаги давлатларда қандай табиий жараёнлар содир бўлишини ёзинг ва уларнинг олдини олишда қандай ишлар амалга оширилмоқда?

№	Давлат	Жавоб
1	Япония	
2	Хитой	
3	Ақш	
4...	Исландия	

8-илова

Инсерт жадвалининг тузилиши ва уни тўлдириш қоидаси билан танишадилар.

Инсерт жадвали:

- маълумотларни системалаштиришни (мустақил ўқиш маъруза эшитиш жараёнида олинган), уни тасдиқлаш, аниқлаштириш ёки рад этиш; қабул қилинаётган маълумотнинг тушунарлилигини назорат қилиш, аввал эгалланган маълумотни янгиси билан боғлаш

Ўқиш жараёнида олинган маълумотларни индивидуал ҳолда системалаштирадилар;

Матнда қўйилган белгилар асосида жадвал устунларини тўлдирадилар:

- ҳақидаги билимларимга жавоб беради;

«-» - ҳақидаги билимларимга қарама-

Инсерт жадвали

	+	-	?
Органик нураш			
Сел			
Магма			
Сув эрозияси			

9-илова

БУНИ

БИЛАСИЗМИ?

➔

1911 йил 18 феврал куни Ғарбий Помирнинг Музкўл тоғ тизмасида 9 баллик zilзила натижасида Усой сурилмаси содир боʻлган. Бу zilзила таъсирида денгиз сатҳидан 4500 м баландликдаги Мурғоб дарёси водийсига ҳажми 2.2 км³ келадиган тоғ жинси бўлаги сурилиб тушган. Сурилма тахминан 2.5 км масофани босиб ўтиб дарё ўзанини тўсиб қўйган. Талофат натижасида Усой қишлоғи сурилма остида қолиб, 54 киши нобуд бўлган. Сурилма дарё ўзанини тўсиб, баландлиги 703-788 м, ени 4.3-5.3 км бўлган Сарез кўли вужудга келган.

2.2. "Жамият ва табиатнинг ўзаро таъсири" мавзусидаги машғулотнинг технологик ишланмаси.

Мавзу: Жамият ва табиатнинг ўзаро таъсири

Маъруза машғулотининг технологияси

<i>Вақти – 80 мин</i>	Ўқувчилар сони: 30-нафар
<i>Ўқув машғулотининг шакли</i>	визуал маъруза, Б.Б.Б. техникасидан фойдаланган ҳолда
<i>Маъруза машғулотининг режаси</i>	<ol style="list-style-type: none"> 1. Жамият ва табиатнинг ўзаро таъсирининг асосий босқичлари. 2. Мухандислик иншоотлари ва уларнинг турлари. 3. Экологик мувозанат ва унинг бузилиши.
<p><i>Ўқув машғулотининг мақсади:</i> Ўқувчиларга Жамият ва табиатни ўзаро таъсирининг асосий босқичлари: термачилик, овчилик, балиқчилик; илмий-техник инқилоб, Мухандислик иншоотлари. Сраҳарсозлик, саноат, транспорт, гидротехник иншоотлари. Экологик мувозанат ва унинг бузилиши. уларни ҳолати ҳамда муҳофаза қилиш, тоза сақлаш борасида олиб борилаётган ва олиб борилиши лозим бўлган чора-тадбирлар ҳақида билим бериш.</p>	
<p><i>Педагогик вазифалар:</i></p> <ul style="list-style-type: none"> - Жамият ва табиатнинг ўзаро таъсирининг асосий босқичлари ҳақида маълумот бериш; - Мухандислик иншоотлари, Шаҳарсозлик, саноат, транспорт, гидротехник иншоотлари тўғрисида маълумот бериш ва уларнинг жойланишини таҳлил қилиш; - Экологик мувозанат ва унинг бузилиши, уларни ҳолати ҳамда муҳофаза қилиш чора-тадбирлар ҳақида билим бериш; 	<p><i>Ўқув фаолиятининг натижалари:</i></p> <p><i>Ўқувчи:</i></p> <ul style="list-style-type: none"> - Жамият ва табиатнинг ўзаро таъсирининг асосий босқичлари ҳақида умумий тушунчага ега бўлади; - Мухандислик иншоотлари, Шаҳарсозлик, саноат, транспорт, гидротехник иншоотлари тўғрисида маълумот айта олади ва уларнинг жойланишини таҳлил қилади; - Экологик мувозанат ва унинг бузилиши, уларни ҳолати ҳамда муҳофаза қилиш чора-тадбирлар ҳақида тушиниб етади ва ўз фикрини

	билдиради;
<i>Ўқитиш услуби ва техникаси</i>	Маъруза, визуаллаштириш, ақлий хужум, муҳокама, блиц-сўров, график органайзер, Б.Б.Б. жадвали.
<i>Ўқитиш шакли</i>	Фронтал, алоҳида, жамоа бўлиб ишлаш, жуфтликда ишлаш.
<i>Ўқитиш воситалари</i>	Дарслик, слайдлар, ўқув материаллари, проектор, информацион таъминот.
<i>Ўқитиш шароитлари</i>	Намунадаги аудитория.

Маъруза машғулотининг технологик харитаси

Босқичлар, вақти	Фаолият мазмуни	
	Ўқитувчи	Ўқувчи
1-босқич. Кириш (5 мин)	1.1. Мавзу унинг мақсади, ўқув машғулотидан кутилаётган натижаларва уни ўтказиш режасини маълум қилади.	1.1. Эшитадилар, ёзадилар.
2-босқич. Билимларни фаоллаштириш (10 мин)	<p>2.1. Экранга Б.Б.Б. жадвалини чиқаради ва унга изоҳ беради (1-илова).</p> <p>Топшириқ беради: ҳамма жадвални чизиб олсин ва маъруза режаси бўйича 2-устунни тўлдирсин. Ўқувчиларни жуфтликка ажралишлари сўралади, саволлар бўйича алоҳида фикр юритиш ва жуфтликда муҳокама қилиш ва жавоб бериш тавсия етилади.</p> <p>1) Ўзбекистон ички сувлари ўз ичига қандай унсурларни олади ва</p>	<p>2.1. Жадвални чизади ва 2-устунни тўлдиради.</p> <p>Жуфтликка ажраладилар, саволларни муҳокама қиладилар ва жавоб берадилар.</p> <p>Б.Б.Б. жадвалининг 3 ва 4-устунларини тўлдирадилар.</p>

	<p>уларнинг ўзига хос хусусиятлари нималардан иборат?</p> <p>2) Сизнинг фикрингизча ушбу мавзу бўйича нимани билиш керак? Блиц-сўров ўтказди. Б.Б.Б. жадвалининг 3-ва 4-устунларини тўлдириш бўйича топширик беради. Маъруза матни ва ўз нуқтаи назаридан Ўзбекистон ички сувлари мавзуси бўйича жуфтликларда муҳокама қилиш ва саволларга жавоб беришни таклиф этади. Блиц-сўров ўтказди.</p>	
<p>3-босқич</p> <p>Асосий</p> <p>(55 мин)</p>	<p>3.1. Мавзунинг ёритиш учун муаммоли саволларни таклиф этади.</p> <p>Дарс аввалида ва сўнгида «биламан-билишни хоҳлайман-билдим» жадвалини тўлдириш учун саволлар тарқатилади (1-илова).</p> <p>3.2. Ўқитувчи визуал материаллардан фойдаланган ҳолда маърузани баён этишда тарқатма материаллардан фойдаланади (2-илова)</p> <p>3.3. Ўзбекистон ички сувларига оид тақдимотни намоён қилади.(3 илова)</p> <p>3.4. Ўқувчиларга мавзунинг асосий тушунчаларига эътибор қилишни, берилган топшириқни бажаришни ва барча маълумотни ёзиб олишларини таъкидлайди.</p>	<p>3.1. Эшитадилар, муҳо-камада иштирок этадилар.</p> <p>3.2. Эшитадилар, ёзиб оладилар.</p> <p>3.3. Тақдимотни кўра-ди ва ўз фикрларини билдирадилар.</p> <p>3.4. Эшитадилар, савол-жавобда иштирок этадилар.</p> <p>3.5. Б.Б.Б. жадвалининг 5-устунини жуфтликда муҳокама қилган ҳолда тўлдирадилар.</p>

	3.5. Топшириқ беради. Б.Б.Б. жадва-лининг 5-устунини жуфтликда муҳокама қилган ҳолда тўлдиришларини сўрайдилар. Блиц сўров ўтказди.	
4-босқич Яқуний (10 мин)	4.1. Маърузага яқун ясайди, ўқув фаолияти натижаларини умулаштиради, олинган билимларнинг келажак учун аҳамиятини айтиб ўтади. 4.2. Мустақил ишлаш учун топшириқ беради: Экологик муаммоларга кластер тузинг.	4.1. Эшитадилар ва топшириқни ёзиб оладилар

Ўқув материаллари

1-илова

Б.Б.Б. техникасини қўллаш бўйича кўрсатма

1. Маъруза режасига мос ҳолда 2-устунни тўлдилинг.
2. Ўйланг, жуфтликда ҳал етинг ва жавоб беринг, ушбу саволлар бўйича нимани биласиз, 3-устунни тўлдилинг.
